



MILLIY TIKLANISH

40 (309) ● 2014 йил 15 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Аёллари кадр топган, хотин-қизлари эъозланган юртининг бугуни фаровон, эртаси нурафшон бўлади. Узоқ асрлар оша ўз исботини топиб келаётган ушбу ҳаётини ҳақиқат истиқлол йилларида мамлакатимизда янгича аҳамият касб этди



Марғилон шаҳридаги "Ёдгорлик" масъулияти чекланган жамиятида ипакдан тўқилаётган гилам, адрес, атлас ва бошқа матолар сифати ва ўзига хос дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда



Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий хунармандлик маҳсулотларида халқимизнинг ноёб истеъдоди ва теран тафаккури мужассам. Натижада хунармандларимиз сафи кенгайиб, улар томонидан яратилаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

○ Сайлов — 2014

Сайлов ҳуқуқига эга, бирон бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.



ЎзМТДП парламент сайловида иштирок этиш учун рухсат олди

Марказий сайлов комиссиясининг Республика матбуот марказида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайловга тайёргарлик жараёнларининг бориши, сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг бўлажак сайловда иштирок этишига ижозат бериш каби ишлар ҳақида ахборот берди.

Таъкидланганидек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, парламент Қонунчилик палатасига сайлов 135 та ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида

ўтказилади. Сайлов округларини тuzиш тўғрисида Марказий сайлов комиссияси қарор қабул қилгани, уларнинг номланиши, тартиб рақами, чегараси ва сайловчилар сони кўрсатилган рўйхат матбуотда эълон қилингани эътироф этилди. Ушбу

қонуннинг 12-моддасига биноан округ сайлов комиссияси комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва камда олти нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда уларнинг таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари, аввалги сайловларда иштирок этиб, тажриба орттирган кишилар киритилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинди.

2-бет

○ Съезддан съездгача

ЎзМТДП хотин-қизлари

партия голяри тарғиботида етакчи

Аёллари кадр топган, хотин-қизлари эъозланган юртининг бугуни фаровон, эртаси нурафшон бўлади. Узоқ асрлар оша ўз исботини топиб келаётган ушбу ҳаётини ҳақиқат истиқлол йилларида мамлакатимизда янгича аҳамият касб этди. Бугун ўзбек аёли барча соҳаларда фаоллик кўрсатиб, ҳам оила, ҳам жамият ишида ўзининг нималарга қодир эканини исботламоқда. Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида хотин-қизларнинг жамият ҳаётини ролини кучайтириш, улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонуни бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Сайлов ва сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатларида Олий Мажлис ва маҳаллий вакилик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси партия томонидан кўрсатилмаган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлар вакиллари бўлиши шарт-

лиги мустаҳкамлангани мамлакатимиз сиёсий ҳаётида улар фаоллиги янада ортиб бораётганидан далolat.

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор сиёсий партиялар фаолиятида ҳам бўй кўрсатмоқда. Бу жараёнларга ЎзМТДП "Аёллар қаноти" ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилаётгани зиммамизга алоҳида масъулият юкляпти. Айни пайтда партия-миз аъзоларининг 85 минг нафарга яқинини хотин-қизлар ташкил этади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда 203 нафар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 5 нафар партия-миздан сайланган аёл депутат фаолият юритмоқда.

3-бет

○ Электорат минбари

Газета сайти

сайловга оид билимларимизнинг янада ошишида яқин кўмақдош бўлмоқда

Бугун юртимизда муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Бу ҳақда телевидение, радио ва матбуотда бот-бот гапирилаётгани, ахборот ва таҳлилий материаллар бериб бораётгани фуқароларнинг ҳам бу жараёнлардаги масъулиятини ошириб, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Сайловга тайёргарлик жараёни, айниқса, сиёсий партиялар фаолиятида яқол намён бўлаётди. Сайловда муносиб иштирок этишни ниёт қилган сиёсий партиялар ўз гоё ва мақсадларининг аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб бориши, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишларини тарғиб қилишни режалаштирмоқдалар. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, кечаётган сиёсий жараёнларга қизиққан

туфайли, сиёсий партиялар фаолияти, сайловга тайёргарлик ҳолатини доимий кузатиб бораёяман. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси бўлганим боис, табиийки, кўпроқ ушбу партия фаолияти мени қизиқтиради. Бунда менга "Миллий тикланиш" газетасининг интернетдаги сайти — www.milliytiklanish.uz яқин кўмақдош бўлмоқда.

Мазкур газета сайтида ҳар бир материал ўз вақтида, аниқ ва тез-

корлик билан ёритиб борилмоқда. Сайловга оид материаллар, маълумотлар билан сайтда эълон қилинаётган мақолалар ва махсус рукнлардан бемалол жавоб топиш мумкин. Масалан, газета сайтнинг "Ҳуқуқ ва бурч" деб номланган рукни орқали ҳамюртларимизнинг сайлов билан боғлиқ саволларига мутахассислар томонидан бериб борилаётган жавоблар сайлов арафасида фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада оширишда аниқ муддао бўляпти. Зеро, сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтишида фуқароларнинг ҳам фаоллиги муҳим саналади.

Зулхумор ҲАМРОЕВА,
Жиззах педагогика коллежи ўқитувчиси

Марказий Кенгаш

Пленуми тўғрисида ахборот

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда партия ташкилотлари олдида турган долзарб масалалар, жумладан, сайлов кампанияси даврида амалга ошириш зарур бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Пленумда Б.Норбоев партия матбуот наشري — "Миллий тикланиш" газетаси бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Қурилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун

Она тили — миллатнинг руҳидир

5-бет

○ Интервью

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда сайлов жараёнлари муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз бугун ана шундай муҳим паллада турибди. Эътироф этиш керакки, миллий сайлов қонунчилигимизнинг демократик тамойиллар асосида янада такомиллашгани, йилдан-йилга фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб, турмуш тарзи фаровонлашиб бораётгани сайлов жараёнларининг янада очиқ, ошқоралиги ва уюшқоқлик билан ўтишини таъминлайди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Жуманазар ОТАЖОНОВ билан суҳбатимиз шулар ҳусусида бўлди.

Сайлов — халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин ифодаси

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Сайлов — 2014

ЎзМТДП парламент сайловида иштирок этиш учун рухсат олди



(Давоми. Боқилани 1-бетда)

Матбуот анжуманида барча сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни — партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этиш шини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этганлиги маълум қилинди. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширган ишчи гуруҳи мазкур жараён сайлов қонунчилигига мувофиқ равишда ўтказилганлиги маълум қилди. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок

этиши учун рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Эътироф этиш керакки, "Миллий тикланиш" демократик партияси жорий йилги сайловда иштирок этиш учун расман ижозат олгани партияимизнинг келгуси муваффақиятлари деб ҳисоб бўлди, дейиш мумкин. Қолаверса, бу ЎзМТДПга билдирилган ишонч намунаси. Шундай экан, янада қизгин паллага кираётган сайлов кампанияси даврида тайёргарлик жараёнларини кучайтириш, сайловга қадар амалга оширилиши лозим бўлган саъй-ҳаракатларни охирига етказиш партияимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, энг муҳим синов бўлган сайловда муносиб иштирок этиш партияимиз дастурий мақсадларининг ҳаётга татбиқ этилишига замин яратди.

Матбуот анжуманида сайловга оид бошқа жараёнлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди ҳамда ОАВ вакилларининг саволларига жавоб қайтарилди.

Мухтарама РАМАЗОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

3-4 йиллар бурун Жанубий Кореядан мамлакатимизга тахсил олиш учун келган талабалардан бир нечтасини қишлоғимизга олиб борган эдим. Мақсадим қадим Бухоронинг осори-атиқалари, тарихий ёдгорликларини кўрсатиш, дунё илм-фани бешиги ҳисобланган азим шаҳар билан яқиндан таништириш эди. Кечга яқин уйга кириб бордик. Бироз дам олгач, меҳмонларни қишлоғимиз одамлари билан таништиргим келди. Дастлаб эрта-инди уйга келин тушираётган Сафар ақанинг уйига бордик. Уйда қишлоқнинг тўрт-беш нафар кексалари ўтиришганди. Уларни меҳмонларга таништирдим.

— Бу киши қишлоғимиз оқсоқоли, — деди кореялик меҳмонларга. Қишлоғимиздаги тўй-ҳашамларнинг ҳаммаси шу кишининг маслаҳати билан ўтади. Тўйнинг қачон бошланишидан тортиб, унга кетадиган сарф-харажатларга оқсоқолга маслаҳат солинади. Бир сўз билан айтганда, тўйнинг боши ҳам охири ҳам отахон билан.

— Бизда ҳам шунга ўхшаган ташкилотлар бор, — деди меҳмонлардан бири. — Улар ҳам тўйларни ташкиллаштириш билан шуғулланади. Худди сиз айтганингиздек, тўйнинг бошидан охиригача хизматда бўлишади. Албатта, Бизмат ҳақи олдиндан келишиб олинади. Камида 300-400 доллар атрофида пул олишади. Сизлар оқсоқолга қанча ҳақ тўлайсизлар.

— Оқсоқол бунинг учун ҳеч қандай ҳақ талаб қилмайди, — тушунтирдим уларга. — Аксинча, элнинг қувончи кунига шериклигидан хурсанд бўлади. Бундай пайтда оқсоқолга пулдан кўра оила қураётган келин-куёвнинг бахти муҳимроқ. Биз хондонга янги келинчақ тушаётганидан севинади.

Кореялик меҳмонлар бир-бирларига қарашди, қулишди, ҳайратланишди ва охирида елка қисиди. Барибир тушунишмади. Тўғри-да, бу гапга тушуниш учун ўзбек бўлиб туғилиш керак. Мен улардан аччиқланмадим. Аксинча, дунё аҳлини ана шундай ҳайратга солиб келаётган маҳалла деган ўзбекна таянчим борлигидан гурурландим.

Чиндан ҳам маҳалла минг йиллик анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва қадр-қадриятларимиз бешиги. Унда инсоннинг қадр-қиммати азиз. Шунинг учун ҳам у жаҳон халқларининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, истиқлолга эришганимиздан сўнг маҳалла институтига эътибор янада кучайди. Унинг ваколатлари кенгайтирилди. Маҳалланинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатидаги ўрни мустаҳкамланди ва у аҳолининг энг яқин таянчига айланди. Бир вақтлар фақатгина аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатида эътироф этилган мазкур институт эндиликда тadbirkorлик субъектла-

Хамкорларимиз

Маҳалла — қадриятлар бешиги

ЎзМТДП билан ҳамкорлик муштарак мақсадлар рўйбига хизмат қилмоқда

рини ташкил этиш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш йўналишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари томонидан ташкил этилган "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бугунги кунда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг 14 та худудий бўлими ва 194 та шаҳар ва туман бўлимлари фаолият кўрсатаёттир, — дейди жамоат фонди раиси А.Аҳмедов. — Ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари томонидан аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз қарияларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар учун охириги ўн йилликда Фонд ҳисобидан 20 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Дарвоқе, ўзини-ўзи бошқариш институтларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ўтган йиллар давомида бу йўналишда 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу эса уларнинг янада самарали фаолият кўрсатишига сабаб бўлмоқда. Маҳалла институтига берилаётган ҳуқуқий ваколатлар ҳорижлик экспертларнинг ҳам эътиборини тортаяпти.

Халқаро майдонда эътироф этилаётган маҳалла институтининг бугунги муваффақиятларида "Миллий тикланиш" демократик партияси билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Чунки халқимизга хос миллий-маънавий қадриятларнинг ифодаси бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий мақоми оширилишини қўллаб-қувватлаш партияимизнинг дастурий вазифаларига қиради. Инчунун, янги тахрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинишида "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар фаол иштирок этишди. Таъкидлаш керакки, мазкур қонун ҳужжатларида ўзини-ўзи бошқариш органилари оилавий тadbirkorлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида маслаҳат марказларини ташкил этиш, энди-

гина фаолият бошлаётган тadbirkorларга банкдан кредит олишларида белгиланган тартибда қафиллик бериш, жойлардаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда ёшларни ишга жойлаштиришга ёрдамлаштириш йўналишларида ваколатлар берилди.

Атроф-муҳит ва маҳаллалар ободонлигини таъминлаш, худудларда кўмаклаштириш ишларини ривожлантириш масалаларига ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида қарайди. Партия томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Озод юртинг оёқд гўшаси" акцияси юртимиз озодлигига ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳаллалар ва тарихий ёдгорликларни ободонлаштириш мақсадида ташкил этиладиган мазкур акцияда худудлардаги бошланғич партия ташкилотлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ходимлари ва кўнгилчилар иштирок этишди.

Маҳалланинг тарбиячи сифатидаги ўрни мустаҳкамлаш, улғайиб келаётган ёш авлодни маънавий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш масаласи ЎзМТДП ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун партия ташкилотлари ва фаоллари маҳаллаларни маънавий-ахлоқий муҳит масканига айлантириш учун ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Масалан, жорий йилда халқ депутатлари Шовот туман Кенгаши сессиясида "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органиларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш" масаласи бўйича қарор қабул қилинди. Ана шундай қарорлар ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари Андижон ва Фарғона вилоятлари Кенгаши сессияларида ҳам қабул қилинди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, маҳалла институтига кўрсатилаётган аниқ мақсадли меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа турдаги давлат ёрдами туфайли фуқаролар йиғинларининг ўсиб келаётган авлодини тарбиялаш, соғлом ҳаёт тарзи маданиятини шакллантириш, миллий анъаналарни, урф-одатларни асраб-авайлаш ва бойитиш, бандликни таъминлаш, ёш оилаларда юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини қонунчилик асосида ҳимоя қилиш, мамлакатда ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ортиб бораёттир.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Сайловда муносиб иштирок этамиз

Сайловни, ҳеч шубҳасиз, демократиянинг ўзаги, таъбир жоиз бўлса, юраги дейиш мумкин. Истиқлол йилларида сайловларга ёндашув фалсафасининг ҳам ўзгариб бораётгани унинг янада демократлашганидан далолатдир.

Жорий йил 8-9 октябрь кунлари Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиздаги сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этишига оид қарор қабул қилгани ва бунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловда иштирок этиш борасида расман рухсат олгани бир жиҳатдан фахрият ҳисоби бўлиши шубҳасиз, иккинчи томондан ҳар бир партия фаолини ўз зиммасидаги масъулиятни яна бир қарра ҳис қилишга ундади. Чунки 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайлови оддий сайлов эмас. У олдинги сайловдан тубдан фарқ қилади. Ўтган давр мобайнида барча сиёсий

партиялар қатори ЎзМТДП ҳам мамлакатимиз сиёсий саҳнасида ўз имкониятларини намоян қилиб келаётган куч сифатида ижтимоий қатлами, электорати ва хайрихоҳларини шакллантириб, сиёсий таъриба орттириш, сиёсий етуқликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш юзасидан маълум бир йўлни босиб ўтди.

Партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этишига рухсат берилиши зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Жумладан, сайловга тайёргарлик қизгин кечаётган бир пайтда партияимизнинг сайловолди кампаниясини самарали ташкил этиш, сайловолди ҳужжатларимиз жозибдорлигига эътибор қаратиш билан бир қаторда, муносиб номзодларни шакллантириш олдимизда турган муҳим масалалар. Боиси партияимизга соғайишга садоқатли, ташаббускор, фаол ва партия нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўша оладиган номзодлар депутат этиб сайланганидан сўнг электоратимиз манфаатларига қаратилган, мамлакатимиз ҳаёти учун долзарб қонунларнинг ишлаб чиқилишига ҳисса қўшади.

Бахтиёр КАМОЛОВ, ЎзМТДП Мирзачўл туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси

* * *

Мамлакатимизда сайлов жараёни очик-ошкора, демократик тамойилларга асосланган тарзда ўтказилади. Бу жараёнда фақат овоз бериш яшириндир. Айни кунларда оммавий ахборот воситалари орқали бот-бот такрорланаётган ушбу фикрлар тобора яқинлашаётган сайлов жараёнининг руҳи ва шиддатидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг азоси сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, сиёсий жараёнлардан доимо хабардор бўлиб бораман. Жорий йилги парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик қўриш, сайловолди кампаниясини самарали ташкил этиш борасидаги амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кузатиб бораёман. Бу жараёнда шунга амин бўлдимки, бу галги сайлов аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Боиси, бугунги сиёсий партиялар ўзининг аниқ электоратига эга. Сайловчиларнинг эса сиёсий-ҳуқуқий маданияти юқори, ислохотларга дахлдорлик ҳисси юксак. Бу эса сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтишининг асосий омилдир.

Марказий сайлов комиссияси қарори билан

партияимизга парламент сайловида иштирок этиш учун расман рухсат берилгани биз партия аъзоларини янада фаолликка, яқинлашаётган сайловни юксак савияда ўтказишга ўз ҳиссамизни қўшишга ундамоқда. Ушбу ишонч партияимиз зиммасига ўз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошира оладиган, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қодир, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳар томонлама муносиб номзодларни танлаш, сайловолди ташвиқоти жараёнида самарали фаолият олиб бориб, сайловчиларнинг кўпроқ овозига эга бўлиш масъулиятини юклармоқда. Бу борада барча ЎзМТДП аъзолари янада фаол, ташаббускор бўлиб, сайлов жараёнини қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда ўтказишда ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, барча ЎзМТДП фаолларида жорий йилги сайловни юксак демократик савияда, халқаро тамойилларга таяниб уюшқоқлик билан ўтказиш учун етарли салоҳият ва шижоат мавжуд эканлиги шубҳасиз.

Мирза АЗИЗОВ, ЎзМТДП фаоли, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган артист

Партия гуруҳларида

Ваколатлардан унумли фойдаланиш

юрт равнақиға хизмат қилади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган муқоаб тақлиф ва ташаббусларни илгари суриш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалар сирасига қиради. Мазкур саъй-ҳаракатларни амалга оширишда эса депутатларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Улардан янада фаол ва ташаббускор бўлишни, ўз электоратини йўлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиб, ҳал этиш чора-тадбирларини қўришда изчил фаолият олиб боришни талаб қилади. Айниқса, маҳаллий вакилик органиларидаги депутатлар фаоллиги худудлар ривожига, жойлардаги масалаларнинг ижобий ҳал этилиши ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳўш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг бу борадаги фаолияти қандай? Партияимизнинг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида 2 та ташаббус-масала олиб чиқилиб, улар юзасидан қарор қабул қилинди. Жумладан, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисида, Тошкент шаҳрида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ҳамда коллеж битирувчиларини эгаллашга қасби бўйича ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган вазифалар юзасидан сессияга олиб чиқилган ташаббус-масалалар муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, "Тошкент шаҳрида 9-

синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш" масаласи ўтган йили ҳам партия гуруҳи томонидан сессияга киритилиб, тегишли қарор чиқарилган эди. Ушбу масалани бу йил яна қайта сессия даражасига кўтариб чиқишдан мақсад ўтган йилги қарор ижросини назорат қилиш эди. Афсуски, унинг ижросини таъминлашга айрим масъул ташкилотлар сусткашлик билан қараганлиги ойдинлашди. Бу йилги сессия қароридан унинг ижроси юзасидан қатъий талаб ва мударат белгиланди.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари фаолиятини янада жонлантириш мақсадида партия гуруҳи аъзолари бошланғич партия ташкилотларига бириктирилган бўлиб, улар айни пайтда бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришга ятти. Шунингдек, депутатлар партия электоратини йўлантираётган айрим масалаларни бартараф этиш, фуқаролар мурожаатларини ҳал қилишда маҳаллий давлат органилари, тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорлик қилишмоқда. Хусусан, аҳолининг қонун ҳимоя хизмат кўрсатиш тармоқлари юзасидан қилган мурожаатлари Тошкент шаҳар худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, шаҳар электр тармоқлари корхонаси, шаҳар газ филиали, "Сувосоз" давлат унитар корхоналарига депутатлик сўрови қилиниши натижасида ижобий ҳал қилинди. Мазкур жараёнларда депутатлар томонидан турли ташкилот ва корхоналарда 60 дан ортиқ депутатлик сўровлари қилинган. Фуқаролардан тушган

мурожаатларнинг 50 га яқини ўз ижобий ечимини топди. Бундан ташқари, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан 6 маротаба турли соҳа ва йўналишлардаги мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингиланди. Мазкур эшитувларда уларнинг камчиликлари, эътибордан четда қолаётган масалалар хусусида тегишли кўрсатма ва тақлифлар берилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, айрим депутатларимиз фаолиятида сусткашликка йўл қўйилаётгани, камчиликлар кузатилаётгани ҳам бор гап. Бундай ҳолатларни бартараф этиш, уларнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлиги, амалдаги қонунлар ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашдаги фаоллигини ошириш, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ҳамда худудлар равнақида муҳим ўрин тутди. Бу борада ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги фаолиятини тўғри ташкил этиши, сайловчи ва электорат вакиллари билан мунтазам равишда учрашиб, юзма-юз мулоқот олиб бориши керак. Шундан аҳолини қизиқтираётган масалалар билан яқиндан танишиш мумкин. Бундан ташқари, халқ вакили фуқаролардан тушадиган мурожаатларга ҳам эътиборли бўлиши, уларнинг ижобий ечим топишига масъулият билан ёндашиши зарур.

Ойбек ИБРОХИМХОНОВ, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девоми етакчи мутахассиси

Съезддан съездгача

ЎЗМТДП хотин-қизлари

партия гоялари тарғиботида етакчи

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида партия хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий кадрятлари, халқ аъёнларини сақлаш ҳамда бойиштириш жараёнида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориши белгиланган. Ушбу дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида партиямиз "Аёллар қаноти" муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими фаолият юритиб келмоқда. Партиямизнинг ўтган съезддан жорий йил съездгача бўлган даврдаги фаолиятимизни таҳлил қилар эканмиз, ЎЗМТДП гоялари юртимизнинг энг чекка ҳудудлари хотин-қизларига ҳам етиб борганини ишончимиз комил. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлиги, демократик жамиятни шакллантиришдаги фаоллигини ошириш, мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қолаверса, жамиятнинг асосий бўлими бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, шунингдек, Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда туркум тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий семинар ва кўрик-танловлар гояларимиз тарғиботида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

"Аёллар қаноти" фаолияти таҳлил қилинганида, энг аввало, партиямизнинг хотин-қизлар манфаатига қаратилган лойиҳаларини олоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" ижтимоий-маънавий лойиҳасини яратиш ва амалга ошириш партиямизнинг сайловолди Платформасида белгиланиб, ушбу лойиҳа ишлаб чиқилди. Унда юксак маънавиятли оилани шакллантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш, давлат, жамият ҳамда оиланинг фарзанд тарбиясига эътибори ва ғамхўрлигини кучайтириш, хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш каби масалалар илгари сурилган. Шунингдек, лойиҳанинг оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш орқали оилада моддий ва маънавий муҳитни янада яхшилаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ёшларни миллий кадрят, аънава ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўналиши ҳам эътиборга сазовор.

2009 йилдан бунён лойиҳа доирасида "Маънавиятти соғлом оила — ёрғу келажак тимсоли" мавзусида мақолалар танлови, "Оналик ва болалик — давлат



ҳимоясида", "Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омилдир", "Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини таъминлашнинг устувор вазифалари", "Замонавий оилани шаклланишида миллий оилавий аъёнлар ва маданий кадрятларнинг ўрни", "Оила — миллий кадрят ва тарбия маскани", "Миллатни юксак маънавият ва тарбия улуглайди", "Кадрятлар бешигисан маҳаллам!", "Баркамол авлод — миллат таянчи" каби мавзулардаги тадбир ва давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Республика Байналминал маданияти маркази ва Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида аънаванавий тарзда ташкил этиб келинаётган "Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили" шiori остида турли миллат вакилларининг "Алла" фестивали ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Фестивал ЎЗМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида назарда тутилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда яшовчи турли миллат вакилларининг ҳам миллий аъёнлари ва урф-одатларини сақлаб қолиш, уларни келгуси авлодларга етказиш партиямиз олдидаги вазифалардан эканлигини назарда тутган ҳолда ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, фестивал, алла қайси тилда янграшидан қатъий назар одамни инсон бўлишга, қалбида ватанга садоқат, миллатга эҳтиром туйғуларини шакллантиришга асос бўлар экан уни, албатта, келгуси авлодларга етказиш партиямиз олдидаги олий мақсадлардан эканлигини исботлаб бераётир.

Партиямизнинг яна бир лойиҳаси "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови ҳам аллақачон ўз қўллаб-қувватловчилари, хайрихоҳларини топиб улгурган, партияимиз аҳолига танитаётган лойиҳалардан саналади. Кўрик-танлов ЎЗМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, жумладан,

мамлакатимиз ёшлари, хотин-қизлари орасида истеъод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини, сиёсий етакчилик сифатларини шакллантириш, қўллаб-қувватлаш, юксак билим ва маълумка эга бўлган хотин-қизларнинг қонунчилиги, ижро ва суд ҳокимияти тармоқларидаги фаолиятини, ҳуқуқий ва сиёсий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия электротаниш мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилиги борасидаги билимларини, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда. Лойиҳа дастлаб, яъни 2009 йилда ўз атрофида 3 минг нафардан ортқ иштирокчи ва хайрихоҳларини бirlаштирган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрик-танловга 7 минг нафардан зиёд партия фаоллари ва қўллаб-қувватловчилар жалб қилинди. 2011-2013 йилларда бу кўрсаткич 10 минг нафардан ортқини ташкил этди.

Шунингдек, партияимизнинг "Кадрятларимизга айланб бораётган замонавий аъёнларимиз" лойиҳаси доирасида турли муҳим саналарга бағишлаб ташкил этилаётган тадбирлар ҳам электротаниш вакиллари ва хайрихоҳларимизда катта таассурот уйғотмоқда.

Партия тизимида фаолият юритувчи ходимлар ва фаол аёлларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнидан хабардор этиб бориш, партияимиз гоялари тарғиботини янги ва самарали усулларини ўргатиш мақсадида турли ўқув-семинарлар ҳам мунтазам ташкил этиб келинмоқда. 2009 йилда ўтказилган ўқувларимизни айна кундаги семинарлар билан таққосласак, улар ҳам мавзу қўлами, самарадорлиги, сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганига амин бўламиз. "Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўрни ва роли", "Мамла-

катимиз тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни", "Хотин-қизларнинг фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни", "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик сифатларини шакллантиришнинг долзарб вазифалари", "Сайловларда аёллар фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари", "Партия сайловолди Платформасини тайёрлаш ва уни тарғиб-ташвиқ қилишда "Аёллар қаноти"нинг устувор вазифалари", "Эркин шахс-кучли жамият-тараққий этувчи иқтисодий орқали демократик ҳуқуқий давлат сари" лойиҳаси асосида "Сайлов: тарбиёт, ташвиқот ва технологиялар" мавзуларидаги ўқув-семинарлар ўз натижасини берди, деб айтиш мумкин.

ЎЗМТДП сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигини ривожлантириш, "устоз-шогирд" аънаванавий мураббийлик мактабини давом эттиришга кўмаклашиш, санъат ва маданият соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис партияимиз аънаванавий тарзда миллий хунармандчилик маҳсулотлари, расмлар кўргазмаларини ташкил этиб келмоқда. "Миллий хунармандчилигимиз — миллий кадрятларимиз бардавомлиги қолафати" мавзусидаги аънаванавий оилавий тадбиркорлар кўргазмаси, "Кулиб яшайлик", "Фусункор туйғулар изҳори" — "Рангин туйғулар мусаввири" мавзусидаги расмлар кўргазмалари фикримиз далили бўла олади.

"Миллий тикланиш" соврини учун спорт фестивали, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан "Спорт — саломатлик гарови" лойиҳаси доирасида "Нафосат олами" шiori остида ўсмир қизлар ўртасида аънаванавий спорт фестивали ҳамда "Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи" шiori остидаги хотин-қизлар анжуманлари фаол ва иштирокчи хотин-қизларни рағбатлантиришда айна мудабо бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилган тадбирларнинг қийсий таҳлилига эътибор қаратсак, фаолиятимиз натижаси яққол намоён бўлди. Хусусан, 2009 йилда "Аёллар қаноти" томонидан республика миқёсида 1 минг 200 га яқин тадбир ташкил этилган бўлса, 2010 йилда 2 мингга яқин, 2011 йилда 2 минг 208 та, 2012 йилда 3 мингга яқин, 2013 йилда 4 мингга ва 2014 йилнинг шу даврига қадар 2 минг 243 та тарғибот тадбирлари, ўқув-семинар, давра суҳбати, анжуман ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда ЎЗМТДП хотин-қизлари муносива иштирок этиб, партияимизнинг сайловдаги муваффақиятли иштирокига ҳисса қўшди.

Ханифа ЗОКИРОВА,
ЎЗМТДП Марказий Кенгаши
Ижроия Кўмитаси девони
хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш
масалалари бўлими бошлиғи

Хуқуқ ва бурч

— Сайлов кунини ўз яшаш ҳудудинида бўлмаслигим сабабли олдиндан овоз бериш хуқуқига эгаманми? Ва бу қай тартибда амалга оширилади?

Собир ЖҲҲАҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти
Қамаши тумани

— Сайловга оид қонунчилигимизда муддатдан олдин овоз беришнинг вақти, тартиби ва уни амалга ошириш тартиб-таомиллари аниқ белгилаб берилган. Чунки, бирор бир узрли сабабларга кўра, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларнинг ҳам овоз беришлари учун шарт-шароитлар яратиш сайловлардаги умумийлик ва адолатчилик принципларини амалда рўйбга чиқариш мақсадини кўзлайди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (янги тахрирдаги) Қонуннинг овоз бериш тартиби деб номланган 41-моддасида сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш хуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунга мувофиқ, муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссиялари томонидан белгиланади ва сайловчилар, кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунинида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳокazo) кўрсатилган арizasи асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади. Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов ко-

миссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади. Сайлов кунини овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади.

— Сайлов пайтида айрим ноқонуний хатти-ҳаракатларга гувоҳ бўлганда кимга мурожаат қилиш лозим?

Зебо ҚУТЛИЕВА,
Навоий вилояти
Қизилтепа тумани

— 1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов хуқуқларининг қоғалари тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган сайлов хуқуқлари давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу Қонуннинг 20-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов хуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имконияти келтирилади. Шу боис, куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Агар, сайлов кампанияси пайтида юқорида санаб ўтилган айрим ноқонуний хатти-ҳаракатларга гувоҳ бўлинганда, фуқаролар биринчи навбатда, ўша ҳудуддаги участка сайлов комиссиясига, зарур ҳолларда юқори туровчи сайлов комиссияларга ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Унинг тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасида батафсил белгиланган.

Саволларга ЎЗМТДП фракцияси аъзоси
Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.

Хроника

Истиклол ва ёшлар

ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирларнинг бош мавзусига айланди

ҚОРАҚАЛПОФИСТОН

ЎЗМТДП Шуманай туман Кенгаши томонидан "Мустақиллик — миллий ўзлигимиз тикланишининг бош омилдир" мавзусида тадбир ўтказилди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида миллий маънавиятимиз булоғи қайта кўз очди, халқимизнинг бой мероси тикланди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати самараси ўлароқ, Хива, Шахрисабз, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимиздаги меъморий мажмуалар, муқаддас қадимжолар, азиз авлигалар зиёратгоҳлари таъмирланди, ободонлаштирилди. Мазкур жараёнда ЎЗМТДП халқимизнинг маънавий меросини, қадимжолар тарихини чуқур ўрганиш, асраб-авайлаш, эришилган ютуқларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда уларни миллий кадрят ва аънаваларимизга садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Бу борада партия томонидан ўтказилаётган турли форум, фестивал, акция ҳамда тарғибот тадбирлари ёшларнинг тарих ҳамда аجدодларимиздан фазрлиниги, юрт келажиги дахлдорлик ҳисси билан яшашига ундамоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, болалар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ўқувчи-ёшларнинг дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш ҳамда янги истеъдодларни кашф этишга кўмаклашиш мақсадида ЎЗМТДП Юнусов тўман Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамкорлигида ёшлар иштирокида "Спорт — саломатлик гарови" шiori остида футбол бўйича "Пахтакор-79" хотира турнири ташкил этилди.

Тадбирда сўз олганлар фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб қамолга етказишнинг бош омили — болалар спортини ривожлантириш масаласида алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, бугунги кунда болаларни спортга кенг жалб қилиш орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айлангани, бу каби мусобақаларни ўтказиш эртаимиз эгаларининг келажакда жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонлар бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этишини қайд этилди. Тадбир доирасида жамоалар ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилди. Яқунда голибларга Ўзбекистон Футбол федерациясининг кўма ҳубоги ҳамда партия туман Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

НАМАНГАН

Юксак салоҳиятли, соғлом ва баркамол авлодчи тарбиялаш истиқлолнинг илк йиллариданок давлатимиз сиёсатининг устувор мақсадига айланган. ЎЗМТДП вилоят Кенгаши томонидан "Мен мустақиллик фарзандиман" мавзусида ўтказилган тадбирда истиқлол йилларида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, бу борада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамда ушбу йўналишда ЎЗМТДПнинг ташаббуслари муҳокима қилинди.

Тадбирда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, ёшларни мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда миллий кадрят, аънава ва урф-одатлар, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган яратувчилар ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар қилишга кўмаклашиш сингари ЎЗМТДП дастурий мақсадлари ижросини таъминлашда партия ташкилотлари фаоллигини янада ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шаҳзод ҒАҒФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошлангич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиш, электротан манфаатларини таъминлашда бошлангич партия ташкилотлари кўмакига таянади. Боиси, улар электротан яқин бўлган бўлиб, бевосита аҳоли орасида фаолият юритади. Табиийки, фуқароларнинг ўй-таъвиши, ютуқлари ва муаммоларидан яхши хабардор бўлади.

Бизнинг қуйи бўлган Фаргона нефть базаси унитар корхонаси Кува филиали қошида тузилган бўлиб, 60 нафар ЎЗМТДП аъзосини бirlаштирган. Фаолиятимиз давомида партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ёшлар ва хотин-қизлар, айнакча, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келяпмиз. Қолаверса, партия туман Кенгаши ҳамкорлигида қўллаб-қувватлаб тадбирлари ўтказиб келинаётир. Жумладан, "Ёт гоялар ва оммавий маданиятга қарши курашда миллий ғоянинг аҳамияти", "Миллий кадрятлар — миллий манфаатлар асоси", "Баркамол авлодчи тарбиялашда оила ва маҳалла ҳамкорлиги", "Мардлар кўриқлайди Ватани", "Тарих ҳақиқатлари: Ўзбекистон кеча ва бугун", "Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асраш

Сайловчилар ишончини қозониш

амалий саъй-ҳаракатлар қўламини, партия гоя ва дастурларининг кенг тарғиб қилинишига боғлиқ

ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎЗМТДПнинг иштироки" ҳамда "Оммавий маданиятнинг хотин-қизлар онига салбий таъсири" каби мавзуларда тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқубузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда "Гибҳандлик — аср вабоси", "Сиз қонунни биласизми?", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Огоҳлик — давр талаби" каби мавзуларда давра суҳбати ва учрашувлар ташкил этилди.

Маълумки, партия сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" аънаванавий мураббийлик институтини сақлаш ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, партия туман Кенгаши ҳамда қуйи бўғинимиз томонидан хунарманд-усталар, мусаввирлар

иштирокида турли тадбир, кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда маҳаллаларда ҳаваскор хунармандлар тўғраги ҳам ташкил қилиниб, уларда қуйи бўлган фаоллари ёшларга хунармандчилик сир-асрорларини ўргатиб келмоқдалар.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодчи тарбиялаб воёга етказишда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш борасида қуйи бўғинимиз партия туман Кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида корхона жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи оилалар иштирокида "Футболчи келажак", "Маҳалламиз пахла-вонлари", "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" каби мавзуларда аънаванавий спорт мусобақалари ўтказиб келинаётир. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг спортга қизиқишини ошириш, жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилаларда соғлом муҳитни қарор топтиришда муҳим ҳақиқат касб этмоқда.

Дарҳақиқат, бошлангич партия ташкилоти фаолиятидаги устувор вазифалардан бири — аъзолар, тарафдорлар, электротаннинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишдан иборат. Жорий йилда парламент қуйи палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов бошлангич партия ташкилотлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Чунки, сайлов натижалари қўп жиҳатдан сайлов округлари ва участкаларида бошлангич партия ташкилотларининг нечоғли фаоллигига, ваколатлари доирасида сайлов жараёнини қай даражада мувофиқлаштири олишига боғлиқ. Шу боис, аъзоларимизнинг сайлов қонунчилиги борасидаги билиминини, тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини янада ошириш, уларнинг аҳоли ва электротан билан ишлашда замонавий сиёсий технологиялар ва ахборот-коммуникация воситалардан фойдаланиш борасидаги тақлифларини ўрганиш мақсадида қуйи бўлган аъзолари иштирокида "Жорий йилги сайлов аввалгисидан нимаси билан фарқ қилади?", "Сайлов: унда ЎЗМТДПнинг иштироки" каби мавзуларда семинар-тренинглр ўтказдик. Шунингдек, қуйи бўғинимизнинг фаол, ташаббускор, салоҳиятли вакиллари орасидан олти нафардан кузатувчи ва ваколатли вакил номзодларини туман Кенгашига тақдим этдик. Жорий йилги сайловда ЎЗМТДПнинг муносива иштирокини таъминлашда бизнинг бошлангич партия ташкилотимиз ҳам фаоллик кўрсатишга интилади.

Бахтиёр АҲРОРОВ,
Фаргона нефть базаси унитар
корхонаси Кува филиали
қошидаги бошлангич партия
ташкilotи етакчиси

Интервью

Сайлов — халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этиши, давлат ва жамият ишларидаги иштирокнинг муҳим шакли ҳисобланади, — дейди сўхбатдошимиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилди, яъни сайловга оид қонунчилик миллий тажриба ва умумэтироф этилган халқаро нормалар асосида босқичма-босқич шакллантирилди. Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилиги адолатлилик, очиқлик, ошқоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга асосланган, фуқароларимизнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиши, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар, сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси даврида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти бора-бора тўхталиб ўтсангиз. Хабарингиз бор, парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Ўртабшомимиз томонидан қўрилиб турган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да сайлов қонунчилигини тақомиллаштиришга оид муайян вазифалар белгилаб берилган эди. Мазкур Концепцияда Президентимиз томонидан қўрилиб турган қўшма мажлисида Ўртабшомимиз томонидан қўрилиб турган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да сайлов қонунчилигини тақомиллаштиришга оид муайян вазифалар белгилаб берилган эди.

Умуман олганда, мазкур ўзгариш ва қўшимчалар Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш, унинг фаолияти асосий принципларини белгилаш, молиявий мустақиллигини мустақамлаш, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланишига қаратилган. Бу эса юртимизда сайловларнинг очиқлиги ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатини беради.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган демократик принциплар нимага асос бўлади? Сайлов жараёнини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган асосий устувор қоидалар сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари ҳисобланади. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш каби асосий принциплар белгиланган. Умумий сайлов ҳуқуқи принциплари сайловларнинг умумийлигини, 18 ёшга тўлган барча фуқароларимиз сайлаш ҳуқуқига эга эканлигини, қонунчиликда белгиланган ёшга етган фуқаролар эса вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлатади. Тенг сайлов ҳуқуқи принциплари эса ҳар бир фуқаро-сайловчининг бир овозга эгаллигини, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублигини, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъкеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга эканликларини билдиради.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принциплари номзодларнинг фуқаро-сайловчилар томонидан бевоқиф сайланишини оғдалайди. Шунингдек, сайловда эркин ва яширин овоз берилиши, овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмаслиги — яширин овоз бериш принциплари ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида"ги қонунларнинг I бобида қатъий белгилаб қўйилган ушбу принциплар сайловларнинг демократик тарзда ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда қабул қилинганлиги диққатга сазовор. Унга кўра, фуқароларнинг сайловга оид ҳақ-ҳуқуқлари нимага асос бўлади? Сайлов жараёнида қандай аҳолининг қисмига сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонун 1994 йилда МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинди ва бу юртимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлади. Кейинчалик Туркманистон (1999 йил) ва Россия Федерацияси (2002 йил) ҳам ана шу номдаги қонунларни қабул қилди.

Этироф этиш кераки, фуқароларнинг сайлов ва сиёсий ҳуқуқларининг асоси бўлганлиги боис, алоҳида қонун билан ҳимоя қилиниши катта аҳамиятга эга. Сайлов жараёнида ижтимоий муносабатларнинг узвийлиги, мувофиқлиги ҳамда ўзаро алоқдорлигини таъминлаш, бунда сайловчилар ҳамда номзодларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва амалга оширилишини кафолатлаш жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг улкан ютуғи сифатида намойён бўлади. 21 моддадан иборат ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлайди. Хусусан, Қонуннинг 19-моддасида "Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига

тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиш шарт", деб белгиланган. 20-моддада эса Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман, мамлакатимизда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса юртимизда қонун устуворлиги, инсон кадр-қиммати ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари муҳим ўрин тутишининг ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён олдиде турибди. Жорий йил бўлиб ўтадиган сайлов ўтган галги сайловдан қандай фарқ қилади? — Дарҳақиқат, жорий йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органлари сайлов бўлиб ўтади. Бу йилги сайлов янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий шароитларда, янада ушқоқлик билан ўтиши кутилмоқда. Чунки юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фуқароларимизнинг тотувлиги мустаҳкамланиб, барча соҳаларда амалга оширилётган улкан ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз барқарор ўсиб бораётди, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси ошиб, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий онги, маданияти юксалиб бормоқда. Мустақиллик фуқаролар онгу-шуури, тафаккури ва дунёқарашида улкан янгиланиш ва юксалишга йўл очиб берди. Бугун юртошларимизнинг дунёқараши кенг, салоҳияти, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак. Уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳам замон талабига мос. Шу нукта назардан яқинлашиб келётган сайлов аввалгилардан тубдан фарқ қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши сайловларнинг янада демократлашуви, очиқлиги ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири бўлди. Умуман мамлакатимиз Конституцияси ва сайловга оид қонунларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар миллий сайлов тизмининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилётган тизимли ислохотлар билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг равишда янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Айнан шу жиҳатдан ҳам бўлажак сайлов аввалгилардан тубдан фарқ қилади ва жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнидаги батамом янги шароитларда ўтказилади. Зеро, сайлов барча даражадаги вакилик органларига муносиб инсонларнинг сайланиши ва юртимизда амалга оширилётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишида алоҳида аҳамият касб этади.

Сайлов ҳар бир сиёсий партия учун муҳим синов палласидир. Бу борада ЎзМТДП қандай сазъ-ҳаракатларни амалга оширмоқда? Партиянинг бу йилги сайловга тайёргарлиги борасида тўхталиб ўтсангиз.

Хабарингиз бор, Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йилнинг май ойида 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури қабул қилинди.

Сайлов кунини тобора яқинлашмоқда. Унинг натижалари эса сиёсий партияларнинг ушбу муҳим синовга пухта тайёргарлиги ва фуқаролар танловида боғлиқдир. Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этиши, партиямиз номзодларига овоз бериши сайловда Платформамизнинг жозибадор, халқчил ва аниқлиги, шунингдек, партиямизнинг сайловдан сайловгача бўлган давр оралигида амалга оширган сазъ-ҳаракатлари, тарғиб тадбирлари, бир сўз билан айтганда, сайловга қўрилган пухта тайёргарлиги билан баҳоланади.

Шу жиҳатдан партиямиз "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси"нинг 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриши ва унда муносиб иштирок этиш бўйича чора-тадбирлар дастури"ни қабул қилди ва сайловга тайёргарлик ишлари мазкур Дастур асосида амалга ошириб келинмоқда. Дастурда партия гоёси, дастурий максд-вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усуллардан кенг фойдаланиш, партия фаолларини сайловга оид қонунчилик асослари билан ақиндан таништириш ҳамда жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини янада тақомиллаштириш орқали уларнинг сайловда муносиб иштирок этишини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланган.

"Milliy tiklanish" газетаси мухбири Мухтарама КОМИЛОВА сўхбатлашди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Инсон манфаатлари ва ислохотлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, подаялат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактининг Ўзбекистон томонидан бажарилиши бўйича тадбир ўтказилди.

Куйи палатанинг Демократик институтлар, нодавал ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедов, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган демократик ислохотлар жараёнида фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва мада-

ний ҳуқуқларини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилётганини таъкидлади. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, қулай меҳнат шароитлари яратиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, барча миллат ва элат вакиллари хамжихатликда ҳаёт кечирishi, миллий кадриятлари ва маданий меросини асраб-авайлаши учун зарур шарт-шароит яратишга доир мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва ташкилий тизим шакллантирилган.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида замонавий технологиялардан фойдаланишига қаратилган доимий эътибор мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ўн икки йиллик зулуксиз таълим тизими шакллантирилган ва ёшларимизга жаҳон андозлари даражасида билим олиши учун барча шароит яратилган. Мод-

дий ва номоддий маданий меросни асраш, миллий кадриятлар бардавомлигини таъминлаш, навқирон авлодни халқимизнинг асрий анъаналари ва умуминсоний кадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Аҳолига юксак технологиялар воситасида тиббий-профилактика ва даволлаш ёрдами кўрсатиш, оналик ва болалиқни ҳимоялаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқларини мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига татбиқ этишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон манфаатларига йўналтирилган бундай ислохотлар туфайли аҳолининг ўртача умр кўриши кўрсаткичи ўзайиб бораётди. Оналар ва болалар ўлимлари камайитириш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиологик муҳит барқарорлигини сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга эришилмоқда.

Мамлакатимизда бу борада эришилган улкан натижалар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

Қонун ва ижро

Миробод тумани ҳокимияти

фаолияти хусусида ОАВ вакиллари га батафсил маълумот берилди

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларга мазкур соҳада ахборот олиш, тарқатиш, ахборотдан фойдаланиш каби муносабатларни амалга оширишда дастуриламал бўлиб келмоқда.

Қонун ва ижро

Миробод тумани ҳокимияти

Мазкур қонуннинг ижроси таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан шаҳар ҳамда туманлар ҳокимларининг аҳоли билан очиқ мулоқотларини ташкил қилиш анианага айланиб бормоқда. Теле ва радиоканалларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари билан сўхбатлар, кўрсатувлар тайёрланаётгани ва унда фуқаролар ҳам бевосита ўзларини қизиқтирган саволлари билан иштирок этаётгани эътиборга молик. Шаҳар ҳокимиятида Миробод тумани ҳокими иштирокида ташкил қилинган матбуот анжумани ҳам шулар жумласидандир.

Тадбирда Миробод тумани ҳокимлигининг фаолияти, ҳудудда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий, бунёдкорлик соҳаларида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Маълумки, ҳудуддаги 39 та маҳаллада 129,2 минг аҳоли истикомат қилади. Туманда жами 4 мингдан зиёд йирик sanoat, қўшма ҳамда кичик корхоналар мавжуд. Хусусан, "Ўзким-

Қонун ва ижро

Миробод тумани ҳокимияти

ёфарм", "Фотон" каби акциядорлик жамиятлари, "Шарк" нашриёт матбаа компанияси, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар компанияси, "Шарқтехэнергогаъмир" ва "Тошэлектроаппарат" каби йирик sanoat қўшма корхоналарининг республика миқёсида ҳам аҳамияти катта. Туман ишлаб чиқариш салоҳияти таҳлил қилинганда, кейинги йилларда энг оқори ўсиш суъратлари энгил, озиқ-овқат sanoati соҳаларида кузатилаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Тадбирда мазкур тармоқларда ҳар бир йўналиш бўйича кўрсаткичлар рақам ва фойзалар воситасида таъкидлаб ўтилди. Айни пайтда Тошкент шаҳри экспорт ҳажмининг учдан бир қисми туман ҳудудидаги компания ва корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, анжуманда туман ҳокими Шарофиддин Қодиров томонидан ҳудуддаги аэропорт, темир йўл вокзали, бозор ҳамда таълим муассасалари, уларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Туманда соғлиқни сақлаш, темир йўл, иқтисодиёт, энгил sanoat, маиший, коммунал хизмат каби ихтисослашган бўйича 7 та касб-ҳунар коллежи мавжуд бўлиб, уларни битираётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар ҳудуддаги ташкилот ва корхоналарга уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириляпти.

Тадбирда журналистлар томонидан ҳудудда бунёдкорлик, қурилиш ишларининг бориши ҳақида бир неча саволлар берилди. Туман ҳокими ва шаҳар ҳокимияти ахборот хизмати вакиллари мазкур саволларга атофлича жавоб бериб, амалга оширилётган ишлар хусусида тўхтади.


Бир сўз билан айтганда, очиқ мулоқот тарзида ўтган мазкур матбуот анжумани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотларни халқга етказиш, уларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларини таъминлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундай очиқ мулоқотлар октябрь-ноябрь ойлари давомида Тошкент шаҳридаги барча туман ҳокимияти вакиллари иштирокида ташкил этилиши режалаштирилган.

Умид УЗОҚОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Маънавият



Марғилон шаҳридаги "Ёдгорлик" масъулияти чекланган жамиятида ипакдан тўқилган гилам, адрас, атлас ва бошқа матолар сифати ва ўзига хос дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда. Миллий хунармандлик анъаналари асосида тайёрланаётган "Лола", "Хосиятхон", "Тонги юлдуз", "Кўёш", "Қалдирғоч", "Кўнги оғочи", "Етти тоғ чечачи" нусхали гиламлар хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.



УЗА олган суратлар.

© 21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун

Она тили — миллатнинг руҳидир

1989 йил 21 октябрь. "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳақдорлигига эга бўлди. Бу ўз навбатида Президентимиз Ислам Каримовнинг тенгсиз жасорати, ташаббуси билан жонанжон Ўзбекистонимизнинг мустақиллик, озодлик йўлида ташлаган дастлабки қадам бўлди.

Бу кунни ҳар йили шоду хуррамлик билан қарши оламиз. Барчамиз учун Она тили байрами сифатида унинг шукҳини, қадр-қимматини англаймиз. Мустақиллик туфайли она тилимизга меҳр-муҳаббат ва эътиборимиз янада ошди, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш бахтига эга бўлди. Халқимизнинг бирдамлиги ва бирлигини англаш учун она тилимиз миллатимизнинг ўлмас руҳини ўзида муҳасам этганини, унда ота-боболаримизнинг барҳаёт сиймоси, неча минг йиллик миллий қадрият ва анъаналаримиз кўзгудагидек ўз аксини топганини ҳис қиламиз.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, тили, маданияти ва қадриятларидан айри холда тасаввур этиб бўлмайди. Улуғ мутафаккир шoirимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек халқи маънавий дунёси, тилининг шаклланиб ривож топишида хизматлари беқиёс бўлган. Унинг мўтабар номи, ижодий меросини доимо фахрланиб тилга оламиз. "Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз" деган пурмаёно сўзларининг маънасини англаймиз. Навоийнинг асарлари орқали она тилимизнинг беқиёс бойлиги, унинг буюклигини англадик, унга бўлган меҳр-муҳаббатимиз ошди. "Муҳокамат ул лугатайн" асарига бобомиз сўзни дурга қийслаганлар. Дур денгиз қаърида бўлганидек, сўзнинг макони инсон кўнглида эканлигини, ҳар бир кишининг ўз айтар сўзи бўлиши кераклигини, сўз одоби ва маданиятини сақлаш билиши лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар. Ана шу фазилатлар инсоннинг одоб-ахлоқли, ҳурмат-эътиборли шахс сифатида камол топишида асосий ўринга эга.

Истиқлол йилларида она тилимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кучайиб, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш имконияти юзага келди. Ўзбек тилининг қўланиш доираси тобора кенгайди. Она тилимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тадқиқотлар

олиб борилиб, илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этилмоқда. Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келаётган она тилимизни асраб-авайлаш, нуфузини ошириш, уни бойитиш борасида доимий равишда иш олиб борилаётган. Давлат ва жамоат идораларида иш юритиш, ҳужжатлар тайёрлаш, ариза ва маълумотлар қабул қилиш, турли мажлис ва амалий анжуманларни ўтказиш давлат тилида олиб борилаётган. Қувонарлиси, хорижий мамлакат раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросимларида, халқаро саммит ва матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини кузатиш мумкин.

Бош Қомусимизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мамлакатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси ва Конституцияси қаторида аниқ белгиланиб, мустақамлаб қўйилгани юртимиз тарихида унутилмас маънавий воқеа бўлди.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига "Маълумки ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамияти эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир" деганларида минг қарра ҳақ эди. Бугун халқимизга хос бўлган бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат фазилатларидан фахрланиш ҳисси қалбимизни яшнатиб турибди. Юртдошларимизнинг маънавий савияси, билим ва дунёқарашини оширишда, боболаримиз меросини ўқиб-ўрганишда, ёш авлодни ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда она тилимиз муносиб хизмат қилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, маънавиятимизни юксалтиришда, миллий ўзлгимиз, урф-одат

ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, унинг замирида муҳасам бўлган меҳр-оқибат, инсонийлик, тинч ва осойишта ҳаёт, ўзаро тоғувлик, дўстликни ривожлантиришда тилимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун юртимизда тил сиёсати адолатли тарзда олиб борилиб, давлат тили ҳақидаги қонун асосида мамлакатимизда истикомат қилаётган барча миллат ва элаларнинг тиллари давлат тили билан бирга ривожланиб бораётганини яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг қай бир гўшасида бўлган, маҳалла ва қўчаларни, хиёбон майдонларни, метро ва автобус бекатларини бе-заб турган ўзбекча номлар, шиор ва ёзувларни кўриб қалбимиз фахр-ифтихорга, ғурурга тўлади. "Мустақиллик майдони", Амир Темури хиёбони, "Мустақиллик ва эзгулик монументи", "Эзгулик аркаси", "Мотамсаро она монументи", "Шаҳидлар хиёбони", Кўкча, Чигатой, Лаб-зак... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бугун бу сўзлар ҳар кунги ҳаётимизда бир неча маротаба такрорланмоқда. Жаҳон ареналарида мадҳиямизнинг ўзбек тилида жаранглаши қалбимизни кеҳисиз ғурур-ифтихорга тўлдирмоқда. Кеча ким эдигу бугун ким бўлганлигини эдимизга солиб турибди. Ўзбекистонимиз яккаю ягоналигини, шу юрт, шу она замин биз учун, келажак авлод учун аталганлигини ҳис қилиб турибмиш. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлмоқда.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик, юртимизда ҳукм сўраётган осойишталик, барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатдан юртдошларимизнинг ғурури тоғ қадар юксалиб бормоқда. Бугун моддий фаровонликни эмас, балки, маънавий юксалишга эришишни ўзимизга асосий мезон сифатида белгилаб олдик. Бу йўлда она тилимиз, унинг бетакрор жозибаси бизга катта қўмақчи бўлмоқда. Она тилга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, унинг тўғри қўланилишини, тозаланишини асраб-авайлашимиз талаб этилади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тили ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур".

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири

© 2014 йил — Соғлом бола йили

СОҒЛОМ ОНА-БОЛА — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оналик ва болаликни асраш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган доимий эътибор хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги маънавий юксалтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ва давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан аҳоли саломатлигини асраш, тиббий хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига етказиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш ва зифаси тиббий-ижтимоий ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланди. Аввало, бу борадаги тадбирларни ташкил этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

Қонулар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, тегишли давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга яқинлаштириш татбиқ этилиши натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати йилдан-йилга такомиллашмоқда. Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича миллий модел самарали жорий этилаётган. Аҳолининг барча қатламига замонавий тиббий профилактика ҳамда диагностика ёрдами кўрсатишга ихтисослашган бирламчи тиббий муассасалари, перинатал, скрининг, ихтисослаштирилган тиббий марказлари, худудий кўп тармоқли болалар тиббий марказлари барпо этилди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш мақсадида ун ва тузни фойдали микроэлементлар билан бойитиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Болалар ўртасида витамин етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш мақсадида сапелментация дастурлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари белгиланган режа асосида олиб борилаётган. Бу борада ишлаб чиқилган миллий тақвим замон талабидан келиб чиқиб муттасил такомиллаштирилмоқда.

Ҳомилдор аёлларни таркибиде шифобахш моддалари бўлган поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти жорий этилди. 2009-2013 йиллар мобайнида қишлоқ жойларда яшовчи бир ярим миллиондан ортиқ ҳомилдор аёл давлат бюджети маблағи ҳисобидан витаминлар билан таъминланди. Олимлар ва мутахассисларнинг ушбу дастур натижаларини ўрганиш бўйича ўтказган мониторингларидан маълум бўлишича, шифобахш поливитаминлар истеъмол қилган оналар ва улар дунёга келтирилган фарзандларнинг саломатлик кўрсаткичи яхшиланиб, касалликлари камайиб бораётган.

— Замонавий тиббий ёрдамдан аҳолининг барча қатламлари, хусусан, оналар ва болаларнинг баҳрамандлик даражасини ошириш муҳим вазифадир, — дейди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарашли Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуд Каттажўраева. — Жаҳонда белгиланган меъриларга кўра, ҳар ўн минг аҳолига йигирма уч нафар тиббийёт ходими хизмат кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Мамлакатимизда бу кўрсаткич нафақат шаҳарлар, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Бугунги кунда бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида қарийб саккиз ярим минг нафар оила шифокори ва ўн етти минг нафардан зиёд патронаж ҳамшира оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бораётган.

Бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида аҳоли, жумладан, фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини янада яхшилаш ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар ойда чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ўтказилмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларида "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!" шiori остида илмий-амалий тиббий марказлари, илмий-тадқиқот институт-

лари олимлари, етакчи клиникаларнинг малакали шифокорлари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад замонавий тиббий ёрдамни аҳолига янада яқинлаштириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ишлари сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Бу жараёнда жаҳон тиббиёти ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, янгиликлар юзасидан тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кунда бирламчи тиббийёт муассасалари, туман тиббиёт бирламчлари ва вилоятлардаги шифохоналарда оналик ва болаликни асраш бўйича махсус штаблар фаолият кўрсатмоқда. Бу йўналишда ҳар бир тиббиёт муассасасида кундалик амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдами янада такомиллаштириш истиқболлари белгиланади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишда Республика аҳоли репродуктив саломатлик марказининг алоҳида ўрни бор. Марказ мамлакатимиздаги давлат-профилактика муассасаларида аҳолига репродуктив саломатликни асраш бўйича кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдами тақомиллаштириш, янги усулларни кенг тарғиб этиш, репродуктив саломатликка салбий таъсир этаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораётган.

Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида юртимизда оналар ва болалар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Она ва бола скрининг дастури амалга оширилиши туфайли туғма нуқсонли болалар туғилиши кўрсаткичи 2000 йилдан буён 1,8 марта қисқарди. Мамлакатимизда буюяга етаётган болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастурининг қабул қилиниши юртимизда бу борада амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Дастурда аҳоли, жумладан, оналар, болалар ва ўсмирларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинларида, бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида фаолият юритаётган шифокор ва ҳамшираларнинг билим ва кўникмаларини бойитиш, тиббиёт масканларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, соҳада ахборот олиш имкониятини кенгайтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва мониторингини йўлга қўйиш каби устувор вазифалар белгиланган.

Мазкур давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва барча тиббиёт муассасаларида тармоқ дастурлари, ҳамкорлик лойиҳалари, чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Бу жараёнда халқимизга юқори даражада тиббий-профилактика, давлат ёрдами кўрсатиш билан бирга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини юритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган.

— Аҳолининг репродуктив саломатлигини асрашда хонадонларда тиббий-профилактика тадбирларини амалга ошириш, ҳар бир оиладаги муҳитни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Олмазор туманидаги 17-оилавий поликлиника бош шифокори Шаҳзода Алимова. — Бу вазифаларни бажаришда оилавий поликлиникаларнинг маҳалла, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги муҳим омилдир. Репродуктив саломатликни асраш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдик.

Бундай изчил ишлар «соғлом она - соғлом бола» концепциясини ўзвий давом эттириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни камолга етказиш, миллиямиз генофондини мустаҳкамлаш ва мамлакатимизни янада тараққий эттиришда муҳим пойдевор бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА,
УЗА муҳбири

© Анжуман

Пойтахтимизда "Товар хом-ашё биржасида электрон харидлар бўйича ўтказиладиган электрон аукцион савдоларининг оқиш-ошкоралигини таъминлаш ва уларда кичик бизнес субъектлари иштирокнинг аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан қичириш ва рақобатни ривожлантириш давлат Кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Президентимизнинг 2013 йил 5 апрелдаги "Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида", Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июндаги "Давлат корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари юрти-

Электрон аукцион савдолари

уларда кичик бизнес субъектларининг иштироки янада фаоллашмоқда

мизда электрон харидлар тизимини янада ривожлантириш, электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш учун қўлай шaroитлар яратиш, уларни амалга оширишда рақобатни кучайтириш ва ошкораликни таъминлаш, табиий монополия субъектларининг товар ва хизматлар нархини мақбуллаштиришнинг ҳуқуқий механизмни яратиш берди.

Айни пайтда электрон шаклдаги корпоратив харидлар тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши сезиларли даражада ошиб бораётган. Уларнинг корпоратив харидлар бўйича товар ва хизматлар етказиб беришдаги улуши тузилган шартномаларнинг 96 фоизини ва жами маблағлар микдорининг 95 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида биржа томонидан корпоратив харидлар бўйича ташкил этилаётган электрон савдоларнинг самарадорлиги ва ушбу бозорда кучли рақобат муҳити шаклланишдан далолат беради.

Таъкидланганидек, электрон корпоратив харидлар тизимида рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг талабларига тўлиқ амал қилинишини таъминлаш мақсадида буюртмачи корхоналар томонидан рақобатни чекловчи талабларни киритиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг махсус ахборот портали ушбу электрон тизимни онлайн режимда фаолият кўрсатишини таъминлайди. Электрон савдоларда энг паст нархларни тақлиф қилган тадбиркорлик субъектлари қўлиб кўришга киритиб, табиий монополия субъектлари, давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар ҳамда давлат унитар корхоналарнинг ҳар бири шартнома бўйича микдори 100 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган буюртмаларни бажариш имконига эга бўлади.

— Жорий йилнинг 9 ойлик даври мобайнида корпоратив харидлар бўйича ўтказилган электрон савдолар ҳажми 263,2 миллиард

сўмини ташкил этди. Жумладан, ушбу электрон тизим орқали 3 минг нафар буюртмачи ва 9 мингдан зиёд етказиб берувчи аккредитациядан ўтган бўлиб, уларнинг 93 фоизи кичик бизнес субъектларидир. Машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини етказиб беришда улар юқори даражадаги фаолиқни намоён этмоқда, - дейди УЗРТХБ кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш маркази бошлиғи А.Абдуғаниев. — Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржаси келажакда буюртмачи ва етказиб берувчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиш, мижозларнинг биржа махсус ахборот порталидаги шахсий кабинетиде интерактив хизматлар рўйхатини кенгайтиришни ҳам режалаштирмоқда.

Матбуот анжумани сўнггида биржа мутахассислари оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига атрафлича жавоб бердилар.


Зафар МУХАММАД,
"Milliy tiklanish" муҳбири

Реклама

21 октябрь — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кун

Бу сана Ватанимиз тарихида том маънода буюк воқеа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланиб, мустақкамлаб кўйилган.

Шу сабаб ҳам ўзбек тили давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси ва Конституцияси қаторида турадиган муқаддас рамзлардан бирига айланди.



Иштиқлол шафоқати билан она тилимизнинг беқийёс бойлиги ва буюклигини анлаш

бахшига эга бўлдик. Ҳаётимизда давлат

тилининг ижтимоий-маънавий аҳамияти ошди.

У бизнинг буюк бойлигимиз, куй-қудратимиз тимсолидир!



ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар ўртасида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади. Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2014 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим. Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танлов голибларга мукофотлар

Голиблар диплом ва қимматли совғалар (телевизор, ноутбук, планшет) билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2014 йил 10 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри - 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz e-mail: fonduz@gmail.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий кўмита

Бизнинг шарҳ

ИҚЛИМ САММИТИ

халқаро ҳамжамият табиатнинг бугунги кундаги ўзгаришларидан хавотирда эканини билдирган



Яқинда Нью-Йоркда БМТ шафелидаги иқлим ўзгариши муаммоларига бағишланган саммит бўлиб ўтди. Мазкур саммитда сайёрамиз учун бугунги кундаги энг муҳим масалалар — ҳаво ҳароратининг тобора кўтарилаётгани, атмосферанинг ифлосланиши, иқлим ўзгаришининг ҳайвонот оламига таъсири ва бошқа кўпгаб муаммолар муҳокама этилди.

Киото баённомасига имзо чекишни раво кўрмайпти. АҚШ президенти саммитда чиқиш қиларкан, иқлим ўзгаришига қарши барча кучларни сафарбар қилишга чакирган. Оқ уй раҳбари дунёдаги барча мамлакатлар, шу жумладан, ривожланаётган мамлакатлар ҳам ҳавога ис газини чиқариш ҳажмини қисқартириши кераклигини таъкидлаган. Бу ўринда, шубҳасиз, сановат ишлаб чиқариш тармоғида илгорлик қилаётган Хитой ва АҚШ зиммасига катта масъулият юкланди. Расмий Вашингтон 2015 йилда бу борада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришда киришини айтишни унутмади. АҚШ ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгариши асоратига қарши илгор технологияларни етказиб беришга тайёрлигини ҳам билдирган.

АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги жорий йилнинг июль ойи бошларида 2030 йилгача электрстанцияларда ҳавога тарқатилаётган углеислотага ҳажмини 30 фоизга қисқартириш таклифи билан чиққан. Бироқ кўмир сановати ходимлари ҳукуматнинг ушбу қарорини танқид остига оларкан, бу биринчи навбатда минглаб иш ўринларининг қисқариши, кўмир билан ишловчи станцияларнинг ёпилиши ва электр-энергиядан фойдаланиш ҳақининг қимматлашига олиб келишини айтган. АҚШ савдо палатаси ушбу режани амалга ошириш учун 2030 йилгача йилига 50 миллиард доллардан маблағ ажратмоқчи. Европа Иттифоқи эса 2050

йилгача ҳавога захарли чиқиндиларни чиқариш ҳажмини 80-90 фоизгача пасайтириш ҳақида баёнот берган.

Ўз навбатида, Финляндиядаги электростанцияларда 2020 йилга бориб кўмирдан умуман фойдаланилмайди деган. Дания, Коста-Рика, Самоа ва Тувалу давлатлари яқин йилларда юз фоиз қайта тикланадиган энергетика тармоғига ўтишни ваъда қилмоқда. Углерод чиқиндилари баҳосини белгилаш бўйича илгари сурилаётган гоёни Жаҳон банки, Эпль, ИКЕА, Бритиш Эйрвейс, Пепси-Кола, Пфайзер, Роял Датч Шелл, Чайна Стрит каби мингга яқин компаниялар қўллаб-қувватламоқда.

Яна бир муҳим маълумот. Нью-Йорк саммитида Норвегия расмийлари Либерея ҳукумати билан муҳим бир шартномани имзолади. Африкадаги бу давлат эндиликда ўрмонлардаги дов-дарахларни қирқишни тўхтатди деган бўлди. Бунинг эвазига расмий Осло йилига 150 миллион доллардан маблағ тўлашга қарор қилган. Бундан ташқари, Норвегия махсус ўрмон полициясини ташкил этишда ҳам кўмак бермоқчи. 2020 йилга бориб Либереядаги ўрмонларнинг оқдан бир қисми қўриқхона мақомини олади. Иқлим ўзгаришига қарши «Яшил иқлим жамғармаси» тузилган бўлиб, Франция ва Германия ана шу фонда бир миллиард доллардан маблағ жалб этмоқчи. Бу ишлар яқин 4 йил ичида амалга оширилиши мўлжалланган.

Азимжон ПўЛАТОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Шифокорлар талаби

Буюк Британияда шифокорлар томонидан намойиш ўтказилди.

Мамлакатда сўнгги 30 йилда илк мартаба соғлиқни сақлаш ходимларининг намойишлари бўлиб ўтди. Унда ҳамширалар, акушер ва тез тиббий ёрдам ходимлари иштирок этишган. Хабарларга қараганда, Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазирлиги ва касаба уюмлари ўртасидаги келиш-мовчиликлар оммавий намойишларга сабаб бўлган. Кузатувчиларнинг фикрича, намойиш қатнашчилари ойлик маошларини оширишни талаб қилишган.

Япониядан Мехикогача

Японияда «Вонфон» тўфони бошланди.

Оқибатда мамлакатдаги аэропортларда 600 дан ортиқ рейслар бекор қилинди. Аксарият автомагистраллар, кўчалар сув остида қолди. Хабарларга қараганда, ҳозир қарийб 100 минг нафар аҳоли хавфсиз жойларга эвакуация қилинмоқда. Худди шундай табиий офат Мексика пойтахти Мехикога ҳам қузатилди. «Одили» тўфони туфайли юзага келган ёгингарчиликлар туфайли асфальт устида ҳаддан ортиқ сув микдори тўпланиб қолди. Бу аэропортларда самолётлар катнови ва бошқа транспорт воситаларига таъсир қилди. Шаҳарнинг айрим худудларида ҳаракатланувчи насослардан фойдаланишга тўғри келган.


Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Рангин дунё

Жаҳоннинг кўпгаб мамлакатларида қоятош суратларни учратиб мумкин. Озарбойжонда ана шундай қоятош суратлари бўлмиш Қобустон давлат тарихий-бадиий қўриқхонаси мавжуд. Бу археологик қўриқхона худуди 537 гектарни ташкил этган бўлиб, пойтахт Бокудан 60 километр жанубда жойлашган.

Қобустон қоятош суратлари

олис тарихдан ҳикоя қилади



фессорини таклиф қилганликлари ҳақида айтилади. Бироқ айтиш керакки, мазкур қўриқхонада илк археологик қазималар 1930-йилларда бошланди. Суратлар тасодиқ туфайли топилган. Ўтган асрнинг 30-йилларида тош қариерида иш олиб борилааркан, ишчилардан бирининг кўзи галати суратларга тушиб қолади. Шундан сўнг, бу ерлардан тош олиш ишлари тўхтатилиб, археологлар ишлаш бошлашди.

1939-1940-йилларда озарбойжонлик археолог Исҳоқ Жафарзода қўриқхонада фаолият юритиб, 3500 га яқин қоятош суратлари ва белгилар, шунингдек, қўлда қазилган чу-

қурлик ва одамлар яшаган горларни топишга муваффақ бўлди. 1965 йилда Қобустон қояларидagi ёдгорликларни ўрганиш мақсадида Ж.Рустамов ва Ф.Муродова раҳбарлигида махсус илмий экспедиция ташкил этилди. Экспедиция 20 дан ортиқ тураргоҳларни, 40 дан ортиқ қабрларни топишга муваффақ бўлиб, 300 га яқин янги суратларни кашф қилди.

Таниқли норвегиялик тадқиқотчи ва сайёҳатчи Тур Хейердал Қобустонга илк бор 1981 йилда, сўнг уч бор (1994, 1999 ва 2000 йиллар) ташриф буюриб, бу ердаги қоятош суратларини ўрганиш ва қайиқ ҳамда кема суратларига ало-

ҳида аҳамият қаратди. Тадқиқот якунларидан сўнг Тур Хейердал «ҳамма йўллар Римга элтади» деган қанотли иборани ўзгартириб, «ҳамма йўллар Қобустондан бошланади» деб айтади.

Қўриқхонага боришдан аввал Қобустон музейига кириб ўтиш керак. XXI асрнинг балоид бинолари қад ростилаган, замонавий Бокудан чиқач, роппароса 40 дақиқа ўтиб, сиз ибтидоий даврга тушиб қоласиз. Қобустон ер юзининг сир-синоатларга бой манзилгоҳлардан биридир. Бу ердаги хар бир тошга диққат билан разм солсангиз, у сизга ўз сирларини очади.

2011 йилда фойдаланишга топширилган музейга узоқдан қарасангиз, бир-бирига яқин турган 3-5 ўтовни эслатади. Ичкариси эса янада қизиқарли. Бу ерда энг замонавий технологиялар асосида ибтидоий даврга сайр қилиш имкониятига эга бўласиз. 3-D сизга қадимий одамлар билан рақс тушиш, ов қилиш имконини беради. Қобустон қоялари нафақат инсон кўли билан яратилган суратлар, балки табиат ёдгорликлари билан ҳам тўлиб тошган. Минг йиллар давомида бу ерда табиат мусавирлари — шамол, қуёш, ёмғир ўзига хос санъат асарларини яратишган.

Ш.ТўЛАГАНОВ



Кобустон ёдгорликларини иккига бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳга қоятошлардаги суратлар кирса, иккинчисига ибтидоий одамларнинг манзилгоҳлари ва бошқа объектлар мансуб. Қоятош суратлар ва қабртошлардаги ёзувларни ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур худудларда одамлар тош асридан бери истикомат қилиб келади. Суратлар учта тоғ қоясидан топилган. Ибтидоий одамлар яшаган горлар бу ерларда палеолит даврида инсоният мавжудлигидан далолат беради.

Инсоният ўз тарихи давомида ўзидан нимадир қолдиришига ҳаракат қилиб келган. Қобустон қоятош суратлари орқали бундан 20 минг йил аввал одамларнинг турмуш тарзи ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконияти мавжуд.

Қобустонда айна дамда 6000 га яқин сурат борлиги айтилади. Суратларда ов саҳналари, урф-одатлар, диний расм-русумлар, қайиқлар, ўша даврларда мазкур минтақада яшаган турли ҳайвонлар ва бошқа рамзлар тасвирланган. Шунинг учун ҳам Қобустон суратлари жаҳондаги бошқа қоятош суратлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Суратлар ибтидоий одамларнинг маданияти, дунёқараши, урф-одатлари ва тур-

муш тарзини ўзида акс эттирган. Айна дамда бу ерда очик осмон остида музей ташкил этилган. Қобустон петроглифларини инсоният тарихининг кўрғазмали қуроли сифатида баҳолаш мумкин.

1966 йилда Қобустон худудлари қўриқхона деб эълон қилинди. Қўриқхонанинг халқаро миқёсдаги аҳамиятини инобатга олган Озарбойжон ҳукумати зарур ҳужжатларни тўплаб, 2002 йилда ЮНЕСКОга тақдим қилган. 2007 йилда Қобустон қоятош суратлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий ёдгорликлари рўйхатига киритилди.

Буюктош деб номланмиш қоядаги ёзувларга кўра, бу ерга эраимиздан аввалги I асрда Рим императори Домицианининг армияси қадам босган. Чингиртогда эса XIV асрда «Имад Шаки келиб, ибодат қилди ва кетди» деган форсча ёзув мавжуд. Бу, ўз навбатида, XIV асрда Қобустон худудларида зиёратгоҳ мавжудлигини англатади. Манбаларга қараганда, қоятош суратлари ҳақида XIX асрнинг 40-йилларида маълумотлар пайдо бўлган. Петербург фанлар академияси архивларида бу борада 3-4 ҳисобот борлиги аниқланди. Англия нефть инженерлари мазкур минтақага Оксфорд университетининг про-

Халқ орасида ер ноки деб аталадиган топинамбурнинг ҳақиқий нокка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг яқин «қариндоши» кунгабоқар бўлади. Топинамбур — туганак ҳосил қилувчи, астрадошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликдир.

Топинамбур туганаклари таркибида целлюлоза микдори жуда кам, ammo микроэлемент ва биоактив моддаларга ниҳоятда бой. У юрак ва қонтомир, таянч-ҳаракатланиш ва айниқса, қандли диабет касаллигига чалинган беморлар учун табиий дори воситаси ҳамдир. Ер ноки организмда холестерин микдорини камайтиради, углевод ва ёғ алмашинувини муқобиллаштиради, антитоксик таъсир ҳарактерга эга бўлиб, унинг таркибидagi инулин қондаги қанд микдорини пасайтириш хусусиятига эга. Ошқозон, ичак касалликлари, буйрак тоши, камқонлик ҳолатларда беморларга топинамбур туганакларидан тайёрланган парҳез таомларнинг фойдаси катта. Қолаверса, ушбу ўсимликни атеросклероз, тахикардия, гипертония, тромбоз, туберкулёз, қорин дами, остеохондроз каби қатор касалликларга қарши истеъмол қилиш тавсия этилади. Топинамбур шарбатини ошқозонда кислота микдори ошганда, жигддон қайнаши, бош оғриғи, қон босимида ичса бўлади. Бундан ташқари, бундай шарбат ошқозон ҳамда ўн икки бармоқли ичак яраларининг битишини ҳам таъминлайди. Топинамбур шарбати билан полиартрит касаллигини даволаш мумкин. Бунинг учун унинг шарбатидан кунига ярим стакандан ичиш кифоя. Топинамбур шарбати олиш учун унинг тозаланган ва ювилган туганаклари шарбатсизкич орқали чиқарилади. 2 ош қошиқ шарбатга шунча микдорда сувга аралаштириб истеъмол қилинади.



БИЛАСИЗМИ?

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та расмий тили мавжуд: инглиз, француз, араб, хитой, рус ва испан.

Папуа Янги Гвинея аҳолиси қарийб 700 хил тилда мулоқот қилади. Бу жаҳон тилларининг 15 фоизи демакдир.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимги дунё кемаси

ХАЛҚАРО ДАЙВЕРЛАР ГУРУҲИ ГРЕЦИЯ СУВЛАРИГА ФАРҚ БЎЛГАН ҚАДИМГИ КЕМАДАН БИР НЕЧТА НОЁБ АРТЕФАКТЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШГАН.



Манбада келтирилишича, топилмалар эрализга қадар I асрга оид. Антикитира оролига туташ сувларнинг 55 метр чуқурлигидан олиб чиқилган топилмалар орасида нафақат кема деталлари, турли хил идиш-товоқ, кўза, кроват тутқичлари, шунингдек, икки метрли бронза найза ҳам бор. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу найза ўша даврда ясалган бахайбат жанчи ҳайкалининг бир қисми бўлган. Сувошти тадқиқоти чоғида дайверлар кема чўккан жойнинг 3D харитасини ҳам тузиб чиқишди. Ана шу харита ёрдамида олимлар уч соат давомида қадимги кеманинг ҳалокатига юз тутиш сабабларини ҳам ўргандилар. Тадқиқот натижаларига кўра, Антикитира кемаси кўпчиликка машҳур "Титаник" сценарийси бўйича сувга фарқ бўлгани маълум бўлди. Фақат қадимги кема одамларни эмас, мармардан ишланган улкан отлар ва бехисоб дуру жавоҳирларни белгиланган манзилга етказиши лозим эди. Эслатиб ўтамиз, даврослар Антикитира кемасини 1900 йили топишган ва ўшандан буён чўккан кемадан жуда кўплаб қимматбаҳо буюмлар ноқонуний равишда олиб чиқилган.

"Ақлли" кўзгу

PIONEER КОМПАНИЯСИ АВТОМОБИЛЬ ИШҚИБОЗЛАРИ УЧУН ЯНГИ ТЕЛЕМАТИК МОДУЛНИ ТУХФА ЭТДИ.

Рақамли мослама мўъжаз компьютер мониториға ўхшайди. У автомобилнинг орқа кўзгуси ва зифасини бажарибгина қолмай, бир қанча бошқа функцияларни ҳам амалга оширади. "Ақлли" кўзгу ҳаво ҳарорати ва соатни кўрсатиши, истаганлар учун эса мусика кўйиб бериши ҳам мумкин. Бундай кўзгу реал вақт режимида ишлайди. Шу боис, ундаги барча функция ва амалларни овоз орқали бошқариш имконияти мавжуд. Рақамли кўзгу шу ва бошқа афзалликларига қўшимча равишда GPS тизими билан ҳам бойитилган. Бундан ташқари, кўзгудаги барча маълумотларни кўчириш ва уни 5 дюймлы LCD-дисплей орқали кузатиш имконияти мавжуд.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Хунармандларимиз

Халқ амалий санъати

бардавом ва барҳаёт



этилади. Хунарманд 1997 йилдан буён ёғоч ўймакорлиги санъати билан шуғулланади. Унинг устахонасида ёғочдан ишланган миллий кўғирчоқлар, уй жиҳозлари, панно ва миниатюра асарлари, портрет, нақш билан безатилган шахмат-шашкалар, турли эсдалик буюмларини учратасиз. Теран тафаккур-ла сайқалланган бу санъат дурдоналарини кузатар экансиз, устанинг ижодий маҳорати, эстетик дидига қойил қола-сиз. Эътиборли жиҳати, 50-60 турдаги бу ноёб санъат асарларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам талаб ва қизиқиш катта. Турли халқро кўргазмаларда қатнашиб, соврини ўринларни кўлга кири-таётган хунарманд яқинда ўтказилган "Ташаббус-2014" кўрик танловининг Зарафшон шаҳар босқичида голибликни кўлга киритди.

— Давлатимиз томонидан соҳани ривожлантиришга оид саъй-ҳаракатлар, биз учун яратилган имтиёзлар боис ишимизда сифат ва самарадорлик кузатилмоқда. Бизга қаратилган юксак эътибор ва қўлай шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда юртимиз тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшамиз, — дейди хунарманд.

Алмас Орманбаев айна пайт-да 5-синфда таҳсил олаётган

қизи Аружан Орманбаева ҳамда шогирдлари Николай Костаков, Фулом Мирзаев сингари ўнлаб ёшларга ёғоч ўймакорлиги асосида юқори бадиий савиядаги халқ амалий санъати буюмларини яшас сир-асрорларини ўргатмоқда. "Устоз-шогирд" мактабида тобланган шогирдларнинг айримлари вилоятнинг турли ҳудудларидан ўз ишларини йўлга қўйган.

— Хунармандчилик — боқий қадрият. Бу соҳа асрлар оша яшаб, тобора сайқал топиб келмоқда. Ёғоч ўймакорлиги ҳам миллий хунармандчиликнинг бир йўналиши бўлиб, бу санъатнинг ривожланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади, — дейди суҳбатимиз давомида Алмас уста. Унинг таъ-

кидлашича, башарият билан ҳамроҳанг амалий санъат ҳам юксала борган. Яшаш учун кураш мавжуд экан, албатта, яхши яшашга бўлган эҳтиёж ҳам кучайиб боради. Ана шундай тараққий этиш жараёнида кўл ва ақлий меҳнат ўзаро уйғунлашиб, халқ амалий санъати ривожига муҳим аҳамият касб этган. Ов қуроллари, уй-рўзгор буюмларига бўлган эҳтиёж кучайиб, аввало, тош ва суяк ўймакорлиги, кейинчалик эса ёғоч ўймакорлиги ҳам секин-аста ўз ривожини топа бошлаган.

Хунарманд билан бўлган суҳбатимиз жараёнида ёғоч ўймакорлигига оид қатор маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўдик. Мулоқотимиз давомида уста юртимиздаги ёғоч ўймакорлиги санъати мактаблари, ижодкор усталар, маҳсулотлар тайёрлашида танланган ёғоч материалларининг ўрни ҳақида билганларини гапириб, бу хунар тарихига оид айрим манбааларни ёзма шаклда тақдим этди. Маълумотларни кўздан кечириш жараёнида англадикки, бу санъатнинг ҳар бир ҳудудда ўзига хос мактаблари мавжуд экан. Жумладан, Хива ёғоч ўймакорлигининг ривожига Ота Полвонов ва Сапо Богбековларнинг ижодий фаолияти алоҳида ўрин тутган. Бу мактаб ўймакорлиги бошқа мактаблардан ўйма нақшлари-

нинг майдалиги, новдаларнинг зичлиги, бадиий тузилиши жиҳатидан ўйноқлиги, яъни новдаларнинг спиралсимонлиги билан алоҳида ажралиб турган. Самарқанд ёғоч ўймакорлиги эса ўймаларнинг майдалиги, нақш намунасининг мураккаблиги, ўсимликсимон ва гулли гирих нақшларининг кўп ишлатилиши билан ҳамда ўйма юзасининг рангланishi билан фарқланган. Ташкент ёғоч ўймакорлигиди эса нақш ўйма-сининг кўп қаватлиги, ўртача чуқурликда ўйлиб, ислимий, геометрик, рамзий нақшлар кўпроқ берилганлиги билан бошқа ҳудудлардаги ёғоч ўймакорлиги усулларидан фарқланган. Хуллас, бу халқ амалий санъатининг келиб чиқиш тарихи, ривожланиш босқичлари, уни ардоқлаган уста хунармандларнинг ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар жуда кўп. Бу алоҳида мавзу. Мақоламиз интихосида ўймакор устанинг ижодий ишлари самараси бўлган ёғоч ўймакорлиги намуналари қандай дарахтларнинг маҳсули эканлигига қизиқдик.

— Албатта, ёғоч ўймакорлиги ишларининг пишиқ-пухта ва кўркам чиқиши, аввало, танланган ёғочнинг сифатига боғлиқ. Шу боис биз ўз маҳсулотларимизни гўзал ва жозибадор чиқиши учун энг яхши ёғоқ, қайрағоч, чинор, тут, арча, терак, ўрик каби маҳаллий дарахтларнинг аъло навларини ишлатамиз, — дейди Алмас Орманбаев.

Дунёни гўзаллик қутқаради, дейишади. Бу гапда теран ҳақиқат мужассам. Зеро, ҳар қандай гўзаллик ҳам инсон кўли билан яратилади.

Юртимизда халқ амалий санъатини янада ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар замирида ҳам, аввало, юртни обод қилиш, жамиятни кўркам қилишдек эзгу мақсад мужассам.

Ўралои ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



Истиқлол йилларида юртимизда миллий хунармандчилик тараққиётига қаратилган эътибор туфайли ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам жадвал ривожланмоқда. Пировадиди, уста-хунармандлар томонидан юксак дид ва маҳорат билан тайёрланаётган бир-бирдан бежирим ва бетакрор маҳсулотлар наинки юртимиз, балки хориж давлатларида ҳам юқори баҳоланапти.

Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган миллий хунармандчилик маҳсулотларида халқимизнинг ноёб истеъдоди ва теран тафаккури мужассам. Соҳага қаратилган юксак эътибор боис, хунармандларимиз сафи кенгайиб, улар томонидан яратилган маҳсулотларга бўлган талаб ҳам тобора ортиб бормоқда. Навоий вилоятида тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг 1000 нафардан ортиги "Хунарманд" уюмисига аъзо бўлиб, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусан, халқ амалий санъатини кўлабқувватлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Зарафшон шаҳрида истикомат қилувчи Алмас Орманбаев ҳудуднинг кўлигул ва мохир хунарманди сифатида эътироф

Яқун

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида кўргазма ҳамда давра суҳбатлари билан бошланган VII аънавий халқро Тошкент фотобиенналесини бир ҳафта давом этди. Бу гал фотобиеннале "Ўхашлик. Тасаввур ва Борлик" мавзусидаги асарлар билан томошабинларни хушнуд этди.

Халқро фотобиеннале

Фотобиеннале доирасида "Соғлом бола йили"га бағишланган "Болалик майдони" кўргазмаси ҳам ўтказилди. Кўргазмаларга 30 дан зиёд хорижлик фоторассомларнинг энг сара асарлари кўйилган бўлиб, пойтахтимиздаги кўзга кўринган маданият масканларида намойиш қилинди. Маҳорат дарслари, фотобиенналенинг очилиш маросими ва бошқа тадбирларда фото санъатининг ўзига хос аъналарини тарғиб этишдаги, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти, экспериментлар учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги, ўзбек халқининг бую маданияти, тарихи билан танишининг, жонли мулоқотлар, ижодкорлар ўртасидаги фикр алмашишлар катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Кўргазмалардаги Ўзбекистон ва хорижий давлатлар фотосталларининг турли жанр ва йўналишида намойиш қилинган фотосуратларда атроф-муҳит, ҳаёт жараёни, фалсафаси, турли ёшдаги болалар ҳаёти, шаҳар ва қишлоқлар манзаралари, гўзал табиати, ижтимоий ҳаёт муаммолари, инсонлар турмуш тарзининг айрим қирралари, портретлар, борлиқнинг бадиий тасвири, тарихий шахарларимизнинг меъморий ёдгорликлари акс этган.

VII халқро Тошкент фотобиенналесининг Гран-Приси Фарҳод Каримовга топирилди. Рассом раҳбарлигидаги ижодкорларнинг "Соғлом бола йили"га бағишланган асарлари муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Кўшма лойиҳа — амалда

ОАВ ва ахборот хизматлари

алоқалари, мақсад-вазифалари, ҳуқуқий асослари

"Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мақсад институтини ҳамкорлигида "Мамлакатни модернизация қилиш ва демократик жамиятни барпо этишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш" деб номланган кўшма лойиҳа иш бошлади.

Лойиҳа доирасида беш кун давомида юз нафардан зиёд медиа соҳа ходимлари ва PR мутахассислар турли ижтимоий аҳамиятга эга масалалар, жамиятни сиёсий модернизациялаш ва демократлаштириш жараёнига бағишланган мавзудаги семинар ва давра суҳбатларида иштирок этадилар.

Лойиҳанинг мақсади фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситалари роли ва ўрнини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув

органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишни таъминлаш, масс-медиа вакилларининг ва зирлик ва идоралар, "учинчи сектор" ахборот хизматлари билан ўзаро алоқаларини яхшилаш, журналистларнинг ихтисослашган, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларда малака ва ихтисослашувини ошириш, мамлакат медиа маконининг барча иштирокчилари учун мулоқот майдонини яратишдан иборат.

Кўшма лойиҳа "Замонавий ахборот хизматларининг ОАВ, жамоат ва сиёсий ташкилотлар билан ишлаш шакллари ва усуллари" мавзусидаги семинар билан очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан, вилоят ҳокимликлари ахборот хизматлари вакиллари, вазирлик, идора ва ННТларнинг ахборот хизмати раҳбарлари, марказий ва ҳудудий нашрлар журналистлари иштирок этди.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун ҳокимият органлари фаолияти ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат органлари билан ўзаро алоқаларининг ҳуқуқий асосига айланди. Семинарда на-

фақат журналистлар, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари вакиллари ҳам жалб қилинди. Таъкидлаш жоизки, семинар жараёнида оммавий ахборот воситалари билан ахборот хизматларининг ўзаро алоқаларига алоҳида эътибор қаратилди. Парламент аъзолари ва медиа соҳа экспертларининг мавзуга доир маърузалари тингланди, ахборот хизматларининг илғор тажрибалари тақдироти ўтказилди. Тажриба ва фикр алмашиш, янги билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун бу каби мулоқотларни янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Кўшма лойиҳа доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизми, ушбу жараёнларда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ва роли, сайлов жараёнини ёритиш тенденциялари, масс-медиянинг фуқаролик жамияти институтлари тизимининг ажралмас қисми сифатидаги вазифалари, журналистнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир бурч ва масъулияти борасида фикр-мулоҳаза юритилди, тақдирот ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири